O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 14 февраль, чоршанба • №13 (11.298) • Эркин нархда сотилади

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНМОҚ КЕРАК

Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида темир-терсак, қора ва рангли метал чиқиндиларини қайта ишлашга тайёрлаш ҳамда топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда иккиламчи хом ашёни топшириш билан шуғулланувчи вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда ўтган январь ойида бажарилган ишлар якунлари, шартномавий мажбуриятларга риоя қилишнинг аҳволи ва мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўллари муҳокама этилди.

Йил бошида умумий ижобий натижаларга эришилди. Бироқ, айни пайтда, айрим раҳбарлар комиссия қарорлари бажарилишига совуққонлик билан ёндашиб, «Ўзметкомбинат»ни хом ашё билан етарлича таъминламаётир. Ҳолбуки, мамлакатда саноат тобора ривожланиб бораётгани боис комбинат маҳсулотларига эҳтиёж ортмоқда.

Йиғилишда бир қанча муассасаларнинг фаолияти таҳлил қилиниб, улар раҳбарларининг стратегик муҳим хом ашё тайёрлаш билан боғлиқ ишларига танқидий баҳо берилди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун кунлик назорат ўрнатиш тавсия этилди.

Металл топширувчиларга шартнома шартларига қатъий риоя қилиш, хусусан хом ашёнинг омборларда йиғилиб қолишига йўл қўймаслик, комбинатга ўз вақтида етказиб бериш, металлургларнинг уни тозалаш ва эритишга тайёрлашга доир талабларига қатъий риоя қилиш топширилди. Шунингдек, кичик ҳажмли металл чиқиндиларини пресслаш ва пакетлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу темир-терсакни қайта ишлаш учун етказиб бериш харажатларини камайтиради. Шундагина металл етказиб бериш жадвали бузилмайди, халқ хўжалигининг қатор соҳалари фаолиятида узилишларга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, йиғилишда металл парчалари тўплашнинг қўшимча манбаларини топиш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Исаев иштирок этди.

ЁШЛАР ТЕАТРИ ПСКЕНТДА

Яқинда «Турон ёшлари» халқаро театри Пскентда туман ёшларининг меҳмони бўлди.

Театрнинг асосий мақсади ва вазифаси ёшларни асримиз вабоси бўлган гиёҳвандликдан қайтариш, унинг қандай оқибатларга олиб келишини саҳна талқинида намойиш этишдир.

Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган бу тадбир мобайнида унинг иштирокчилари гиёҳвандликнинг салбий таъсири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Камолиддин АСҚАРОВ.

«ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ – 2001»

Қуйичирчиқ туманида ана шу шиор остида бир ой давом этган ўқувчилар ўртасидаги спорт мусобақалари ниҳоясига етди.

Спортнинг еттита – футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, шохмот, енгил атлетика ҳамда стол тенниси турлари бўйича мусобақа якунларига кўра 2-мактаб (футбол), 11-мактаб (баскетбол), 45-мактаб (волейбол), 24-мактаб (шохмот ва стол тенниси) ўқувчилари биринчи ўринни эгаллаб, 8-17 март кунлари Оққўрғон туманида бўлиб ўтадиган вилоят ҳудудий босқичига йўлланмаларни қўлга киритдилар.

Дониёр КАМОЛ.

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

АНГРЕН: ДАДИЛ ОДИМЛАР

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлига ўтган ўша тарихий кунга 10 йил бўлаяпти. Мамлакатимизнинг шонли юбилейини муносиб кутиб олиш тараддуди вилоятимиз шаҳар ва туманларида ҳам тобора кенг қулоч ёймоқда. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилаётир. Маданий-маърифий марказлар, замонга мос ўқув юртлари барпо этилаяпти. Бу жараёнда замондошларимиз маънавияти бойиб, олис-яқин ўтмишга, бугунги кунга, келажакка муносабатда қувончли ўзгаришлар рўй бермоқда.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг таҳририяти иқтисодиётда, маънавий-маърифий ҳаётда, кишилар тақдиридаги бу ўзгаришларни тўлақонли ёритишни кўзлаб, вилоятимиз шаҳар ва туманларининг юбилейолди йўқламасини ўтказишни режалаштирди. Бугунги ҳикояларимиз Ангрен ва унинг ажойиб кишилари ҳақида.

Бобоёп чўққисига қуёш қўндими, Ангрен шаҳри зангори шўълага чулғанади. Кўчалар, ҳиёбонлар, майдонлар яшнаб кетади. Яшил арчалар ҳаррир тусга кириб, ўзига мафтун қилиб кўяди.

Тонг саҳар Ангренда ўзгача бир жонланиш, уйғониш сезасиз. Шахтёрлар, нурчилар, транспортчилар, олтин ва кумуш қазиб чиқарувчилар, ер ости маъданларини майдалаб, сараловчилар, мўъжизакор картончилар, қурувчилар иш жойларига шошилишади. Ўғил-қизлар мактаблар, коллеж, лицей, педагогика институти томонларга йўл олишади.

Кончилар, энергетиклар, бинокорлар шаҳрида янги иш куни ана шундай бошланади. Кўтарма кранлар ҳаракатга келади. Шахтёрларнинг тонгги сменаси ер остига йўл олади. Очиқ конда экскаваторлар ишга туширилади, темирйўлларда кўмир ортилган составлар чинқира-чинқира юқори кўтарила бошлайди. Картончилар мураккаб технологик ускуналарни ҳаракатга келтиришади.

Янги Ангрен нурхонасида созловчилар мураккаб машиналар ўқига ҳозиргина хориждан олиб келинган шар ғилдираклари тезроқ кийгизиб, хонадонлар ва корхоналарга электр қувватини кўпроқ бериш амалини кўра бошлашади. Нуробод, Янгиобод, Қизил тоғ, Чиғириқ қўрғонларидаги корхоналар, устахоналар ҳам ишга тушади.

Оҳангарон водийсининг энг юқори нуқтасида, Буюк Ипак йўли устидаги бу ишчилар шаҳри шу ажиб диёримиз – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги сари яна бир қадам қўймоқда. Ўтаётган ўн йил ичи Ангрен ҳам ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мураккаб йўлидан собит келаяпти. Ўзини дунёга тобора яққол намоён этаётган мамлакатимизда кечган ва кечаётган барча жараёнлар Ангрен ва ангренликлар тақдирига ҳам таъсирини кўрсатаётгани табиий. Қувончлиси шундаки, улар ўтиш даври қийинчиликларини тадбиру ақл-идрок билан бартараф этишаяпти, мулк хилма-хиллиги шароитида ўз имконларини ишга солиб, маънавий-маърифий баркамолликка интилишаяпти. Янгича иқтисодий муносабатлар қайта тикланиш, қадни ростлашнинг бетакрор ибратларини намоён этмоқда.

– Энергетика, тоғ-кон ва нефть-кимё саноати қувватлари жиҳатидан шаҳримиз мамлакатда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди, – дейди Ангрен шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Илҳом Асадов. – Қўнғир кўмир, олтин, каолин ва бошқа қурилиш материалларининг заҳираларига эгамиз. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, шаҳримизга хориж инвестицияларини кенгроқ жалб этувчи дастурларимиз амал қилмоқда.

Қамчиқ довонига кўтарилиш йўлида олиб борилган қурилишлар, Буюк Ипак йўлини жаҳон андозаларига тенглаштириш жабҳасидаги саъй-ҳаракатлар Ангреннинг мавқеини ошириб юборди. Шаҳар ҳокимлигида йўловчиларга сервис хизматини такомиллаштириш, меҳмонхоналар, ошхоналар, дам олиш манзиллари, ёқилғи қуйиш станциялари барпо этишнинг кўламли режалари ҳақида гапириб беришди. Уларни амалга ошириш юзлаб янги иш жойлари демакдир. Бу йўлда шахсий ташаббусга, тадбиркорликка янги, катта имкониятлар очилади. Пировардида эса шаҳар яна ҳам обод бўлади, шаҳарликларнинг турмуш даражаси кўтарилади.

Шундай бўлишига ангренликларда ишонч катта. Ҳокимликда шундай умидларнинг ҳаётийлигини кўрсатувчи икки-уч рақамни тилга олишди. Чунончи, сўнгги ўн йил ичида шаҳар аҳолиси 22 минг кишига ўсди. Хўжалик юритувчи субъектлар сони 960тадан ошди. Нодавлат мулк шаклидаги кичик корхоналар, айниқса, тез кўпайиб боряпти. Янги-янги қўшма корхоналар ташкил этиш йўлидаги изланишлар кучаймоқда. Экспортга маҳсулот жўнатувчи корхоналар ёнига бир йилда яна иккиитаси қўшилди.

Ҳа, Ангрен уйғонишда. Унинг иқтисодий ва маданий салоҳияти тобора мукаммал намоён бўлиб боряпти. Миллий истиқлол бу жараёнга қудратли эпкин бағишлади.

СУРАТЛАРДА: 1. Очиқ кўмир конининг умумий кўриниши. 2. 9-шахта кончилари Баҳром Мирзалиев, Ўктам Жабборов, Раҳим Нишонов.

Вилоят ҳокимлигида

ИЖТИМОИЙ МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

2001 йилнинг 10 февраль куни вилоят ҳокимлиги ижтимоий мажмуининг 2000 йил якунлари ҳамда 2001 йилда амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлигининг мажмуага қарашли бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, жамгармалар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Шуни айтиш керакки, ўтган 2000 йилда вилоят ижтимоий мажмуида белгиланган дастурлар ва тадбирларнинг ижросини таъминлаш, соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Айниқса, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, оналар ва болалар йили муносабати билан ишлаб чиқилган вилоят дастури ҳамда маданият, спортни ривожлантиришга қаратилган қарор ва тадбирларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинди. Уларнинг ижроси бевосита ҳар бир шаҳар ва туманларда чуқур таҳлил этиб борилди. Натижада вилоятда тиббий хизмат савиясини ошириш, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар барпо этишда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Ўқувчиларимиз республика олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этдилар. Авария ҳолатидаги мактаблар сони қисқаришига эришилди. Спорт, маданият соҳасида ҳам бундай ижобий натижаларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими соҳада кадрлар билан ишлашга талаб кучайтирилди.

Лекин мажмуа йиғилишида таъкидланганидек, бундан буён асосий эътибор йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, муаммоларнинг ечимини топиш ҳамда 2001 йилда олдимизда турган вазифалар бекаму кўст бажарилишига қаратилмоғи зарур. Зеро, соҳада камчилик ва муаммолар бор. Хусусан, айрим шаҳар ва туманларда соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимида ислоҳотлар суст амалга ошмоқда. «Оналар ва болалар йили» дастурининг бажарилиши назоратдан четда қолмоқда. Бу йил қишнинг қаттиқ келиши бир қатор ўқув юртлари, тиббий муассасаларнинг қиш мавсумига яхши тайёрланмаганлигини кўрсатди. Айрим ҳудудларда гепатит, сил ва бошқа юқумли касалликларнинг учраётганлиги ҳам ташвишлидир. Бу айниқса, чегара туман ва шаҳарларда кўпроқ кузатилмоқда. Жойлардаги маданият муассасалари, клуб ва кутубхоналар иши ҳам талаб даражасида эмас. Гарчанд спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, вилоят обрўсини кўтариб келаётган бўлсалар-да, физкультура ва спортни кенг оммалаштиришга эриша олмаяпмиз. Ёшлар ўртасида рўй бераётган жиноятчилик ҳолатларига эътиборсизлик ҳам бугунги ўткир бўлиб турган муаммолардан биридир.

Шуни таъкидлаш керакки, мажмуа йиғилишида ана шундай камчилик ва муаммолар ҳақида гап борар экан, фақат таъкидланмасдан, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди, вазифалар қўйилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама этишда вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Солихов, халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев, вилоят санитария-эпидемиология назорати бош врачининг муовини Бахтиёр Рисқиев, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг муовини Баҳодир Умрзоқов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

«НЬЮМОНТ МАЙНИНГ» ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Шу кунларда мамлакатимизда АҚШнинг «Ньюмонт майнинг» компанияси бошқаруви раиси Роналд Кэмбри бошчилигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал заҳиралар давлат қўмитасида бўлди. Учрашувда компания билан ҳамкорлик истиқболлари хусусида сўз борди.

«Ньюмонт майнинг» дунёнинг олтин қазиб олиш билан шуғулланадиган етакчи компанияларидан бири ҳисобланади. Компания бошқаруви раиси сўнгги йилларда жаҳон бозорида олтиннинг нархи бироз тушгани боис уни қазиб олиш ва геологик қидирув ишлари сезиларли даражада сусайганини таъкидлар экан, бу ҳол Ўзбекистон билан ўрнатилган алоқалар ривожига таъсир ўтказмаслигига умид билдирди. Унинг фикрича, яқин икки йил ичида олтин нархи яна ошади ва шу боис геологик қидирув ишларини сусайтирмаслик лозим. Мисол учун, АҚШ ўтган йили айнан шу жабҳа учун 65 миллион доллар миқдорида маблағ ажратган.

Музокараларда томонлар ўзаро ҳамкорликка оид қатор масалалар бўйича атрофлича фикр алмашди.

(ЎзА).

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

АНГРЕН: ДАДИЛ ОДИМЛАР

2. Ишчи шижоати.

Мустақиллик бизга шундай бир шижоат ато этдики, унинг самаралари ҳар жабҳада намоён бўлмоқда. Жонажон Ўзбекистонимизга хос бугунги бунёдкорлик ишлари кўламини, эркин ҳаёт жўшқинлигини кўргингиз келса, Ангренга боринг. Тилсимотлар эшигини очиб, ер ости хазиналарини мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилдираётган бу ёш шаҳарда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ошираётган корхоналар оз эмас. Бу ерда ҳар куни бирор янгилик рўй беради: маҳсулотнинг янги тури конвейеридан тушади, янги бир ишлаб чиқариш қуввати бунёд этилади, коллеж эшигини очиб, Буюк Ипак йўли устида шинам ошхона йўловчиларга хизмат кўрсата бошлайди.

Биз 9-шахтага барвақт етиб бордик. 3-бўлим бошлиғи Зоҳид Фозилов ўз шахтёрлари билан конга тушиб кетаётган экан. Шу боис суҳбатимиз ҳам қисқа бўлди:

— Ҳар сменага алоҳида бир кўтаринкилик билан отланамиз, — деди Фозилов. — Ниятимиз битта: бугун юқорига кечагидан кўпроқ кўмир бериш.

— Юзлаб метр ер қаридан кўмирни қазиб чиқариш осон эмас, — шахта директори Руфат Муртазаев эшикдан шошилиб чиқиб кетаётган Фозиловни кузатиб туриб, ҳаёлчан гапирди. — Бу касбда фақат довюраклик кифоя қилмайди. Бугунги шахта бетиним машиналар, мураккаб ускуналарни ўз ичига олган яхлит бир конвейер. Бирор халқада узилиш юз берса, бутун жараён тўхтайди.

Конда мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Уларнинг олти юздан ортиғи бевосита шахтада кўмир қазийди. Гапнинг рости, «кўмир қазиш» тушунчаси бугун анча эскирган. Ҳали директор айтганидек, ер остида яхлит тизим йўлга қўйилган. Бугунги шахтёр унинг алоҳида бўғинларини бошқаради. Юқорида қолган 400 ёрдамчи ишчи ер остидаги ана шу тизим — кўмирни қазиб олишдан тортиб, уни ер юзига кўтариб, вагонларга юклаб жўнатгунча кечадиган жараён бирор дақиқа тўхтаб қолмаслиги учун ҳалак.

Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгач, кончиларимиз муайян муаммоларга дуч келишгани бор гап. Портлаш моддалари, конларни мустаҳкамловчи материаллар танқислиги рўй берди. Занжирли, тасмали конвейерлар учун эҳтиёт қисмлари олинмай қолди.

— Ана шунда шахтёларимизнинг иродаси, саботи, ақл-идроки, топқирлиги қўл келди, — эслайди бош инженер Ҳусниддин Неъматуллаев. — Ўзимизда алоҳида созловчилар гуруҳини ташкил этдик. Улар конвейер бўғинларини ҳамиша олдиндан сифатли созлаб беришади. Қарабсизки, иш тўхтамайди. Ўтган йили истеъмолчиларга 252 минг 866 тонна кўмир жўнатдик. Мана шу Зоҳид Фозилов билан Жуманали Тошматов бошқарган шахтёрлар жамоалари бу ютуққа салмоқли ҳисса қўшишди.

Биз шахтада бир хушхабар устидан чиқдик. Янги, 4-бўлимда ускуналар синови тугаб, ёш меҳнат жамоаси юқорига мунтазам кўмир бера бошлабди. Тажрибали мутахассис Тоҳир Мусахонов бошлиқ шахтёрлар йил охиригача 60 минг тонна кўмир қазиб чиқаришмоқчи.

Конда шахтёрларнинг бутун-бутун авлоди меҳнат қилаётир. Бизга Тошевлар ҳақида мароқланиб гапириб беришди. Беш ака-ука — Холмурод, Элмурод, Боймурод, Нормурод, Шомуродлар бугун доврўқли шахтёрлар бўлиб етишишган. Ота ва акалари изидан кўмир конига келган Ёқубжон Сатторов ҳам бугун тажрибали шахтёр. Равшан билан Азиз оталари Раҳим Салмурзаев билан ёнма-ён меҳнат қилишаётир. Проходкочилар Файзулла ва Ибодулла Холовларга тенг келадигани эса камдан-кам. Улар билан суҳбатлашсангиз, ўзингиз учун янги бир дунё очасиз. Бу — маънавий баркамол, элим, юртим деб жон куйдириб меҳнат қилувчи авлод дунёси.

Кўчбулоқ ва «Қизил олма» олтин конлари, Ангрен нурхоналари, автотранспорт корхоналари ва қурилиш ташкилотларида ҳам шундай ҳолат кузатилади. Кекса бўғин ўрнини эгаллаётган йигит-қизлар уларнинг меҳнат анъаналарини сақлаб қолмоқдалар, янги жиҳатлар билан бойитмоқдалар.

Мустақиллик йилларида Ангрен олтин саралаш фабрикасининг иккинчи навбати бунёд этиб, ишга туширилди. Эндиликда корхона бир неча минг тоннагача рудани қайта ишлай олади.

Чиқитсиз технологиялар тобора кўпроқ удум бўлмоқда. Чунончи, мана шу олтин саралаш фабрикасида технологик сувдан фойдаланишнинг ёпиқ цикли ишлаб турибди. Маъдан кукунларини ювишдан ўтган сув махсус иншоотларда тиндирилиб, яна ишлаб чиқаришга қайтарилади. Атроф-муҳитга ишлаб чиқаришнинг зарарли таъсирини камайтиришда бунинг аҳамияти беқиёс.

Рудани майдалаб, кукун ҳосил қилаётган улкан тегирмон ёнида ўзингни ожиз сезасан, киши. Бизнинг ҳолатимизни кузатиб туриб, тегирмончи Ҳайрулла Камолов кулимсираб қўйди:

— Фабрикага дастлаб келганимда айнан шу туйғуларни мен ҳам ҳис этганман. Бу баҳайбат машиналар гулдуросига кўника олмай юрганман. Энди-чи? Мана шу шовқин орасида қайси ускуна «хархаша» қила бошлаганини аниқ илғай оламан, дарҳол чорасини кўраман.

Насосчи Абдуҳалил Жўраев, флататор Мирсоат Маннопов, фильтрчи Мунаввар Эшқўзиева, синовчи-моторчи Ойбек Усмонов, концентратчи Олим Назаровлар ҳам бугун қилни қирқ ёрувчи уста ишчилар бўлиб етишишган.

Иқтисодий ислоҳотлар олтин қазиб олиш соҳасида ҳам тадбиркорлик ва ташаббусликка кенг йўл очди. Эндиликда «Қизил қум», «Зарница», «Чимён» артеллари ҳар ойда 25 минг тоннадан ошириб руда қазиб олмоқда. Мулкчилик турининг ўзгариши билан олтин изловчилар меҳнатда мўъжиза кўрсата бошлашди. Келгусида Ангренда ҳам олтин саралаш қўшма корхонасини барпо этиш режаси кўриб чиқиляпти. АҚШ фирмалари билан ҳамкорликда амалга ошириш мўлжалланаётган бу лойиҳа ҳозирча ҳаракатсиз ётган хазиналар кўзини очиб, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Мустақиллик шабадалари эса бошлаган кезлари чиқинди қоғозларни қайта ишлаб, картон маҳсулотлари тайёрловчи корхона барпо этилган эди. Давлат тасарруфидан чиқарилиб, очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилган «Саноатқалинқоғозсавдо» ўтган ўн йил ичида мамлакатимиз қоғоз саноатининг етакчи корхонасига айланди. Бугунга келиб унинг таркибида учта йирик қувват — қалин қоғоз идишлари, гофрли идишлар ва тўқимали плиталар ишлаб чиқариш фабрикалари шаклланди. Селикат ва крахмал клейли, икки, уч ва беш қаталамли гофрланган идишлар, муқова картонлари ишлаб чиқариш технологиялари ўзлаштирилди. Франциядан келтирилган «Martin» автомат линиялари қалин қоғозни каттакичик қутиларга айлантираётганини кўриб, кўзларингизга ишонмайсиз. Истеъмолчилар бундай қутиларнинг 140дан ортиқ турини узлуксиз олиб туришибди. Германиянинг «Du Pont» фирмаси ишлаб чиқарган ускуналарнинг ўрнатилиб, ишга туширилиши эса, полиэтилен, қоғоз ва гофрланган қалин қоғозга кўп рангли ёзувлар ва тасвирларни туширишни жаҳон андозалари даражасига кўтарди. Учдан ўн икки миллиметргача қалинликдаги тўқимали плиталар ишлаб чиқариш ҳам бошланди. Ўтган йили корхона 2 миллиард 51 миллион 338 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарди. Ўсиш суръати 137,3 фоизни ташкил этди.

Меҳнат билан топилган бойлик жамоа аҳли турмушига ҳам файз-барака киритмоқда. Маъмурият билан касаба қўмитаси маиший-ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаш, меҳнат жараёнларида экологик муҳитни соғломлаштириш, ишчи-хизматчиларни даволатиш ва дам олдиришга мўмай-мўмай маблағ ажратишяпти. Шуни айтиш кифояки, ҳар йили ижтимоий соҳаларга, ишчи-хизматчиларнинг турмуш даражасини кўтариш мақсадларига 6-6,5 миллион сўм маблағ сарфланмоқда.

Ҳа, мустақиллик йилларида Ангрен энергетика, тоғ-кон ва кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг етакчи марказларидан бири сифатидаги мавқеини сақлаб келмоқда. Қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотларида ўтиш босқичининг ўзига хос муаммолари изчил ҳал қилиб келинаётир. «Ангренэнергоцветмет», «Чоткол БК», «Ўзавстротўқимачи», «Каолин» қўшма корхоналари оёққа туриб боряпти.

Чет эл сармоясини жалб этиш борасидаги изланишлар эса тинимсиз давом этмоқда. «Саноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик жамияти ҳали-ҳануз ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун крахмални Украинадан тилла баҳосида оларди. Ўтган йили «Елим моддалари» хусусий корхонаси билан ҳамкорликда гуруч оқшоғидан крахмал ишлаб чиқариш йўлга қўйилипти. Илгариги оворагарчилик, қанча-қанча сарф-харажат барҳам топиб, яна ўн беш киши иш билан ҳам таъминланди.

Лекин шу билан акциядорлик жамиятида изланиш тўхтагани йўқ. Шу кунларда корхона раҳбарлари Швейцариянинг «Петролекс А. Г.» компанияси билан ҳамкорликда қўшма корхона барпо этиш ҳаракатига тушиб қолишган. Хўш, бу режанинг рўёбга чиқарилиши жамоага, қолаверса, мамлакатга нима беради? Аввало, Ангренга хориж инвестицияси оқими ортади. Чунончи, чет эллик шерик бу лойиҳага 25 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфламоқчи. Лойиҳанинг амалга оширилиши корхонанинг экспорт салоҳиятини 20 баробар ошириб, уни йилига 10 миллион АҚШ доллари ҳажмига етказади.

Лойиҳанинг моҳияти нимада? Ҳозирча Ангрен картончилари хом ашёнинг 30 фоизини Россиядан ташиб келтиришяпти. Янги қўшма корхонанинг барпо этилиши билан бунга чек қўйилади. 2002 йилга бориб, қўшма корхонада буғдой somонидан 25-30 минг тонна, пахта линтидан 10 минг тонна целлюлоза олиш қуввати барпо этилиши мўлжалланмоқда.

Албатта, бу лойиҳалар ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Гумонлар, армонлар, хадикларни, тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келади. Лекин ангренликлар мустақил Ўзбекистон манфаати, ташаббус, изланиш, ўрганиш бу тўсиқларни бартараф этувчи бош омил эканлигига ишонишади.

СУРАТЛАРДА: 1. Олтин саралаш фабрикаси. Юқорида — олтинли рудани майдаловчи линия ҳаракатда. Пастда — насосчи Маҳмуд Умаров билан Рустам Мирзаев. 2. «Саноатқалинқоғозсавдо» акциядорлик жамиятининг гофрли қутилар ишлаб чиқариш линиясида; пастда — (чапда) технолог Оксана Экштейн, гофрли қутилар ишлаб чиқариш фабрикасининг раҳбари Мусоҳиб Қаҳҳоров, машинист Людмила Пардаева.

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

9-модда. Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади.

Референдум — давлат ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўлган республика қонунлари ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир. Бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Қонунида аниқ ва равшан ифода этилган.

Референдум орқали фуқаролар ўзларининг хоҳиш-иродаларини билдириб, унга мажбурий тус берадилар. Халқ муҳокамасига қўйилган масала юзасидан халқнинг овози ҳал қилувчи овоз бўлиб ҳисобланади ва бирон бир орган томонидан тасдиқланишига йўл қўйилмайди. Уни ўзгартириш ва бекор қилиш фақат референдум орқали амалга оширилади.

Референдум — бу фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари бўлиб, унда фақат шу давлатнинг фуқароларигина иштирок этадилар. Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Ватанимизнинг 18 ёшга тўлган фуқаролари референдумда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган руҳий бетоблар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган ёхуд жиноят-процессуал қонунларда белгиланган тартибда олдини олиш чораси қўлланилиб, ҳибсда ушлаб турилган шахслар референдумда қатнашмайдилар.

Келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолати, ирқи ва миллати, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, сиёсий ва ўзга қарашлари, муайян жойда қанча яшаётганлиги, машғулот тури ва характерига қараб фуқароларнинг референдумда қатнашиш ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ман этилади. Бундай чеклашлар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда ихтиёрий тарзда иштирок этадилар ҳамда яширин тарзда овоз берадилар. Шунингдек, фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини билдиришни назорат қилишга йўл қўйилмайди. Ҳар бир фуқаро шахсан овоз беради ва бир овозга эга саналади.

Ўзбекистон Республикасида референдумга қўйилиши мумкин бўлмаган масалалар қонунда белгилаб қўйилган. Жумладан, Республиканинг ҳудудий бир бутунлигини ўзгартириш, солиқлар, бюджет, амнистия, авф этиш, жамоат тартибини, аҳолининг сиҳат-саломатлигини ва хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фавқулодда ва шошилинч тадбирлар, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги, шунингдек, мансабдор шахсларни тайинлаш ва озод этиш билан боғлиқ масалалар референдумга қўйилмайди. Референдумга оид барча масалалар, шунингдек, киритилажак қонун ёки ўзга қарорларнинг лойиҳалари тегишли идоралар томонидан қабул қилинганидан кейин, 7 кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Оммавий ахборот воситалари референдумни тайёрлаш қандай бораётганлиги ва унинг ўтишини ёритиб борадилар. Уларнинг вакилларига референдум билан боғлиқ бўлган барча йиғилишлар ва мажлисларга бемалол кириш ва тегишли ахборотни олиш кафолатланади.

Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси; Ўзбекистон Республикаси Президенти; Қорақалпоғистон Республикаси номидан унинг давлат ҳокимияти олий органи таклиф киритиши мумкин.

Референдум ўтказиш тўғрисидаги талабномага имзо тўплаш ташаббуси ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг бу тадбирда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаросига ёки бир гуруҳ фуқароларга тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тақдим этилган материалларни қараб чиқади ва референдум ўтказиш тўғрисида талаб тушган кундан бошлаб бир ой мобайнида қарор қабул қилади. Қабул қилинган қарор 3 кунлик муддат ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Шундан кейин кечи билан 3 кун ўтгач, референдумга қўйилаётган қонун ёки ўзга қарорнинг матни ҳам эълон қилинади.

Референдум ўтказувчи марказий комиссия овоз бериш тугаганидан кейин натижаларни 10 кундан кечиктирмай оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимиз аҳолисига маълум қилади.

Референдумда қабул қилинган Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 7 кун ичида матбуотда эълон этилади ва бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, эълон қилинган кундан кучга киради.

Дилноза ҚУЗИЕВА,
Тошкент Давлат Юридик институти «Давлат ҳуқуқи ва бошқарув» кафедраси аспирант-тадқиқотчиси.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Янгийўл туманидаги Ниёзбоши қишлоғида хайрия тадбири ўтказилди. Қувайт халқаро хайрия жамғармасининг Ўзбекистондаги бўлими бошлиғи Гаед Жалал Бен Садок ҳамда Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Меҳр-мурувват» гуруҳи раҳбари Гулзода Юнусова юз нафардан зиёд боқувчисини йўқотган етти ёшгача бўлган болаларнинг оналарига хайрия маблағларини тарқатди...

– Хайрия жамғармамиз нафақат ўзимизнинг ҳудудимизда, балки дунёнинг кўплаб давлатларида, жумладан Ўзбекистонда фаолият кўрсатмоқда, – деди Қувайт халқаро хайрия жамғармасининг Ўзбекистондаги бўлими бошлиғи Гаед Жалал Бен Садок «Туркистон-пресс» мухбирига. – Мақсадимиз Ўзбекистондаги кам таъминланган, боқувчиларидан бевақт ажралган оилаларга моддий томондан ёрдам беришдир. Ўзбекистонлик фуқароларга, яъни Тошкент шаҳри ва вилоятидаги кўпгина оилаларга уч йилдан буён моддий ёрдам бериб келмоқдамиз. Бундай ёрдам ҳар уч ойда бир марта 24 минг сўм миқдорида берилади.

Бундан ташқари, жамғармамиз қийин шароитда қолган одамларга ва оилаларга ёрдам қўлини чўзади. Биз инсонийлик ва мусулмонлик бурчимизни адо этиб, кичкинтойларга меҳр-мурувват, ғамхўрлик кўрсатиш орқали биродарлик, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашни ният қилганмиз, — деди Гаед Жалал Бен Садок.

Тадбирда кўрсатилган моддий ёрдамдан Янгийўл, Юқоричирчиқ, Оққўрғон туманлари ҳамда Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳридан келган юздан ортиқ оналарнинг диллари ёришди.

«Туркистон-пресс».

«МАЖНУНТОЛ»ГА МАРҲАМАТ

Кейинги пайтларда Оҳангарон шаҳрида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада айниқса, тадбиркорлар ва саховатпеша инсонларнинг қўли баланд келмоқда.

Шаҳар кўркига кўрк қўшган «Мажнунтол» чойхонаси шу ерлик тадбиркор Шавкат Комиловнинг саъй-ҳаракатлари ва шахсий маблағи эвазига қуриб, фойдаланишга топширилганлиги фикримизнинг далилидир.

Шарқона услубда қурилган чойхона мижозлар дидига мос, барча қулайликларга эга. Эътиборли томони шундаки, янги дам олиш масканининг бунёд этилиши 24 нафар кишини доимий иш билан таъминлади.

Аъзам САЙИДОВ.

Илмий муассасаларда

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академиясининг Зоология илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган фундаментал тадқиқотлар, қўлга киритилган халқаро грантлар бўйича олиб борилган изланишлар назарий ва амалий зоологиянинг ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

– БИОЛОГИК хилма-хилликни сақлаш миллий стратегияси ҳамда ҳаракат режасининг ишлаб чиқилиши нур устига аъло нур бўлди, – дейди институт раҳбари Жалолиддин Азимов. – Бу катта хизмати учун илмий муассаса Табиатни муҳофаза қилиш халқаро жамғармаси сертификати билан тақдирланди. Айни вақтда Зоология институти бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо этиб қабул қилинди. Энди у табиатни муҳофаза қилиш халқаро жамғармаси, микробиология бўйича Европа консорциумининг ҳам аъзоси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган йўрға тувалоқ ва лочинларни қайта кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилди. Эндиликда бу технология ноёб парранда турларини муҳофаза қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар ҳам кутилган натижаларни берди. Биотехнологик асосда йирик қорамоллар касаллигига қарши тайёрланган вакцина ўзига кенг йўл очмоқда. Агар 100 минг дозали вакцина хўжаликларга етказиб берилса, бунинг эвазига институт 25-30 миллион сўм фойда кўради. Импорт ўрнини босувчи ва экспорт аҳамиятига эга бўлган бу дори туфайли республика миқёсида йилига бир неча миллиард сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилади.

Институт олимлари томонидан ғалла ва шоли экинларини зараркунандалар ҳамда бегона ўтлардан ҳимоя қилишга доир тайёрланган тавсиянома мамлакатимиз хўжаликларида кенг тадбиқ этилмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

Zahiriddin Muhammad Bobur tavalludining 518 yilligiga

БЕҲАЛОВАТ УМРНИНГ УЧ ЛАҲЗАСИ

Бобур Мирзо номи тилга олинганда, кўзимиз олдида гоҳ от ўйнатиб, ҳарб майдонида ёвга қўрқув солган саркарда, гоҳ чўлларда саргардон кезган юртидан олислардаги гирён инсон, гоҳ Ҳиндистонда ташкил топган буюк салтанатнинг асосчиси, гоҳ эса тенги йўқ дилбар шоир, зукко тарихчи намоён бўлади. Ҳатто, оддий ҳунарманд ҳам Бобур ғазалларини ўқиганда, беихтиёр оҳ тортиб юборади. Академик Азиз Қаюмов шоиримизнинг ҳаётини жуда синчиклаб ўрганиб, талайгина рисолалар ёзган олимларимиздан бири. У киши Бобур Мирзо ҳаётидан ажойиб ҳикояларни сўзлаб берди.

– Азиз Пўлатович, Мирзо Бобур ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Унинг ижоди, хусусан, ҳаёти тўғрисидаги талай рисолалар ҳали ҳам қўлма-қўл бўлиб ўқилади. Сизнинг Бобур ҳақидаги бадиангиз ҳам шулар жумласидандир.

– Бобурнинг ҳаёти тубсиз бир булоқдир. Сўрадингиз, айтай. Ўратепанинг Оббурдон қишлоғида Бобур қўли билан ғазал битилган бир тош бор экан. Унинг тарихи қисқаю лекин, қизиқ. Биласиз, Оббурдон тоғлар орасидаги қишлоқ. Унга яқин ерда бир булоқ бор экан. Зилол сувлар дара оралиғидан қайнаб-қайнаб чиқади. Шаффоф сув ичида балиқлар сузади. Булоқ юзаси шундай тиниқки, қараган киши унда ойнадаги каби ўз аксини кўради. Булоқ бўйида мармар тошлар бор. Уларга турли шеърлар ўйиб битилган. Атроф қуюқ дарахтзор. Дарахт шохларида қушлар ўйнайдилар. Уларнинг қўшиқлари атрофни ёқимли жаранг билан тўлдиради.

Юз йиллар бурун ҳам, кейин ҳам қуёш бу булоқ ва дарахтзорга нур соча беради, зилол сувлар ўйнаб қайнайберадилар. Дарахтлар ўсади, йиқилади, қурийди, янгилари ўсиб чиқадилар. Яна шу доира такрорланади. Бобур ҳаётнинг аччиқ ва чучукларидан бир қисмини тотиди. Андижон ва Самарқанд тахтида ғоз ўлтирди, ғалаба жомидан кайф қилди. Сўнг мағлубият заҳаридан тотди: очлик, қувғин, хиёнат найзаларидан жароҳатланди. Ҳозир Бобур Мирзонинг борадиган жойи, яшайдиган ери тайин эмас. Кўп яқинлари ундан юз ўгирганлар, садоқатли деб ҳисоблаган кишилари уни ташлаб кетмоқдалар. Ҳаётнинг маъноси недир? Беш кунлик дунё учун шунчалар кулфат ва уқубат чекмоқ зарурми? Ана шундай хаёллар булоқ бошидаги Бобурнинг фикрини чулғаб олди. Шунда унинг лаблари беихтиёр пичирлаб, бу фикр марваридларини назм ипига тера бошлади:

Шунидамки, Жамшиди Фарруҳ сиришт
Ба сарчашмае бар санге навишт:
Барин чашма чун мо басе дам заданд.
Бирафтанд, то чашм барҳам заданд.
Гирифтем олам ба мардийю зўр
Валекин набурдем бо худ ба гўр.

(«Эшитдимки, қутлуғ табиатли Жамшид бир булоқ бошида тош устига бундай деб ёзган экан: бу булоқ тепасида бизлар сингари кўп кишилар келиб ўлтирдилар, кетдилар ва йўқ бўлдилар. Оламни мардлик ва зўрлик билан олдик, лекин ўзимиз билан гўрга элта олмадик»).

Бобурнинг бу уч байт шеъри унинг қалбидаги бир олам ғулғула инъикоси эди. Кейин Бобур ана шу байтларни тошга ўйдириб ёздиради ва у тошни булоқ ёнидаги ёзувли тошлар қаторига ўрнаттиради.

– Жуда таъсирли ҳикоя экан. Ўйлайманки, бу каби ибратли лаҳзалар Бобур ҳаётида бисёр бўлса керак...

– Наврўз ҳайитида ёзилган ғазални эшитганмисиз? Бўлмаса қулоқ тутинг. Ҳиндистонга бораётган Бобур ўз қўшини билан Кўхи меҳтар – Сулаймон тоғи этакларида, Гумал дарёси соҳилида тўхтади.

Наврўз ҳайити яқинлашиб қолган кунлар эди. Бир-икки кун ёмғир ёғиб ўтганлигидан дарё сувга тўла. Сувлар ҳайқириб, тўлқинланиб оқади. Енгил шаббода елади. Қош қораймоқда. Дарё ёқасидаги ерларда чодирлар ўрнатилган. Ҳар ёнда олов ёнади. Қозонлар қайнамоқда.

Ўша кеча Бобур ўз чодирида ўтириб бир ғазал ёзди. Бу ғазал Наврўз байрами мадҳияси эди. Аммо, шоирнинг айтувича, чин байрам янги ойнигина эмас, балки севикли ёр юзини кўрмак, чин ҳайит етишув кунининг нашъасини сурмакдадир. Ана шундай чин ҳаётий ва инсоний шодликлардан маҳрум кишига Наврўз шодликлари татирми эди?

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шоду ҳуррамлар,
Менга юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар.
Менинг бу тори мў янглиғ танимға тоблар солди,
Ул ойнинг юзида сунбул киби зулфидаги хамлар.
Ҳавоға дуди оҳин тутратур ишқ аҳли ғайратдин,
Сабо таҳрикидин ҳаргаҳ паришон бўлса парчамлар.
Очилди зулфи-ю, хайлар намудор ўлди юзинда,
Гул узра чун бўлур пайдо кеча очилса шабнамлар.
Мену ғам кунжию оҳу фиғону ашки хун олуд,
Не хушдур гўшаи ҳоли, майи софию ҳамдамлар.
Кўнгулни ишқ бузди, не асиғ, панду насиҳатдин
Менинг машруҳ кўнглумға ярашмас ушбу малҳамлар.
Юзи наврўзию васли ийдни Бобир ғанимат тут,
Ки мундин яхши бўлмас бўлса юз Наврўз байрамлар.

– Тарихнинг гувоҳлик беришича, Мирзо Бобур ўғилларига мактуб битган эканлар...

– Шундоқ. Фақат ўғилларига эмас, балки Хўжа Калонга ҳам. Мактубларни Ҳумоюн Мирзога 1528 йили топширган. Мактубда Бобур Ҳумоюнга Хўжа Калон билан қандай муносабатда бўлмоқ кераклигини ҳам ўргатади: «Хўжа Калон менинг билан густохона ихтилот қила ўрганиб эди, сен доғи нечукким, Хўжа Калон билан ихтилот қилар эдим, ушмундоқ ихтилот қилғайсен».

Бобурнинг Ҳумоюн мактуби бўйича қилган танбеҳлари устознинг шогирдига ўқитаётган дарсига ўхшаб кетади.

Бобур билан Хўжа Калон ўртасидаги муносабатларни тарихчилар, эҳтимол, алоҳида тадқиқ этарлар. Ҳар ҳолда «Бобурнома»даги маълумотлар асосида Хўжа Калоннинг нуфузли арбоб, Бобурнинг ҳам хизматида, ҳам кўнглига яқин кишиси бўлгани сезилиб туради. Бобур Хўжа Калоннинг давлат ҳаётидаги салмоғи билан ҳисоблашар эди. Шу сабаб у Хўжа Калонга ўз қўли билан хат ёзган. Бу хатнинг бир нусхасини Ҳумоюнга ҳам юборган.

Ушбу мактублар (не ажабки у охиргилари бўлса) ёзилгандан сўнг орадан икки йил ўтгач, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда, Огра шаҳрида, ўзи бино этган Чаҳорбоғда дунёдан ўтади. Бу 937 (1530) йил жумодулаввал ойининг олтинчи куни эди.

– Раҳмат домла, албатта, кичкинагина бу суҳбатимизда кўп баҳс юритолмадик, фақат Бобурга хос бўлган уч ҳислат ҳақида тўхталдик. Лекин, ул зотнинг умри заҳматларга, ҳикматларга тўладир.

– Шунингдек, Бобур ҳазратларининг ижоди ҳам соғинч саодати, ҳам юрт садоқати билан мунаввар бўлган. Шу сабаб унинг номи сўнмай, тобора чарақлаб турибди. Бу мунаввалик барчамизнинг дилимизни чароғон этаверади.

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.

ҲИММАТ

Чиноз туманида маърифатпарварлик намунасини кўрсатиб келаётган корхона ва ташкилотлар анчагина. «Гузоробод» ширкат хўжалиги ҳам бундай хайрли ишга бош қўшиб, мактаб биноси қурилишига бир миллион сўм ажратди.

Янги бунёд этилаётган бу таълим даргоҳи тумандаги 7-ўрта мактаб учун мўлжалланди. 450 нафар ўқувчи ўқийдиган ушбу мактаб биноси қурилиши жадал давом этмоқда.

Ҳозирнинг ўзида ҳомий ташкилотлар ёрдами билан етти миллион сўм маблағ ажратилди. «Акс» фирмаси яқинда бир миллион сўм пул ўтказди. Шунингдек, «Бурсел» фирмаси, «Чиноздон» ҳиссадорлик жамияти ва қатор ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар ҳам ёрдам қўлини чўздилар.

Янги мактаб биноси замонавий лойиҳа бўйича қурилиб баҳор ойида – Наврўз байрами кунларида ўқувчиларга тортиқ қилинади.

Акбар АЛИЕВ.

ТАНЛОВ ҒОЛИБИ – «СУЛТОНРАВОТ»

Юқоричирчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танлови ўтказилди.

Унда туман минтақавий босқичида ғолибликни қўлга киритган 10-, 15-, 26-, 34-ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари фаол иштирок этишди. Ўзаро куч синашган кўрик-танловлар иштирокчилари орасида 10-ўрта мактабнинг «Султонравот» гуруҳи аъзолари ғолиб чиқиб, вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. 34-ўрта мактабнинг «Бирлик», 26-ўрта мактабнинг «Умидли ёшлар» гуруҳлари эса иккинчи ва учинчи ўринларни ўзаро баҳам кўришди.

Ғолибларга «Камолот» ва «Ногиронлар» каби жамоат бирлашмаларининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

САЙРУ-САЁҲАТ ҳақида гап кетганида негадир дўғистонлик шоир Расул Ҳамзатовнинг «Тоғ манзарасига тенг гўзаллик йўқ» деган шеърий сатрлари ёдга келаверади. Зотан, энг завқли, шукуҳли саёҳат-сайилларининг мазмун-моҳияти ана шу сервиқор масканлар билан боғлиқдир.

Лекин, айтиб қўяй, тоғ гўзаллигини, унинг хуснитароватини бир кунлик меҳмондорчилик ёки саёҳат давомида тўла-тўкис ҳис этолмайсиз. Бунинг учун сиз камида 5-6 кун юлдузли кечаларнинг гувоҳи бўлишингиз, ҳамсуҳбатингиз билан дилдан гурунглашиб, шундоққина ёнингиздан ўтган сойнинг аллаловчи, сеҳрли шилдиришига қулоқ тутишингиз, чодирда сархуш тин олиш имкониятига эга бўлишингиз ва ниҳоят, тонгни қаршилаб, юз-қўлингизни муздек чашма сувда ювиб, сўнгра гулханнинг кул босган чўғига арча игналарини ташлаб, гуруллатиб аланга олдиришингиз керак. Яна: қумғонингиз вақирлагунча, қояларо қўтарилаётган қуёшга тикилиб, сайраётган какликлар хонишидан завқланишингиз, шу аснода виқорли тоғлар залворини ҳис этишингиз шарт! Бу ҳол, бу манзара, бу кўринишлар ўйлайманки, сизга бир олам ҳузур ва завқ-шавқ бағишлайди. Ана шу унутилмас дамлардаги кўркамлик, улуғворлик қорли чўққиларнинг қуёш тиғида ажиб товланиши дилингизни яйратади, гўёки ўзингизни табиат қўйнига сингиб кетгандек ҳис этасиз.

Шу ҳақда ўйлар эканман, бир суҳбат ёдга келади. Бир гуруҳ отахонлар чўян печка атрофида чордана қуриб ўтириб, арча ўтининг гувиллаб ёниши-ю, унинг ҳидига сармаст бўлиб, ёшлик чоғларида бошларидан кечирган воқеа-ходисот, қизиқ саргузаштларни эслар эдилар. Айниқса, Норқул ва Шерқул исмли оқсоқоллар ҳаммани ўзларига қаратишарди. Суҳбат мавзуси улоқ билан боғлиқ гапларга уланиб кетади. Фақат мезбон Бегимқул бобо бир бурчакда гапга аралашмай, жимгина ўтирарди. Салкам юз баҳорни қаршилаган, юзини босволди қовуннинг тўрларидек ажин босган бу отахон гўё ҳеч нарсага қизиқмай қўйган, тарки дунё қилгандек эди.

Бироқ гап каклик овига келиб тақалганида Бегимқул бобо сергакланди, ўзини ростлаб, суҳбатга қўшилди. У 40 йил аввал Мадамин мерган билан каклик овига бориб, тоғда тунаб қолганини ва ўшанда каклик шўрвани зўр иштаҳа билан танаввул қилганини завқ билан ҳикоя қилди: «Ҳалиҳали ўша шўрванинг таъми оғзимда» деб қўйди тамшаниб.

Кейин суҳбатга Шерқул ота аралашди. Ёшликда қир-адирларни кезгани, ҳавосининг мусаффолигини таърифлаб кетди. «Бундай ҳавода нафас олиш булоқ сувини сипқорган билан баб-баравар» дерди у. Яна кимдир кўнғирбош ва ирхон ўсган яйловларда яйраган биялларнинг қимизини ичиб ҳузур қилганлигини, арча тагида, тоғ шабадасида донг қотиб ухлаб қолганлигини хотирларди.

Шуни айтадиларда ёшликда кўрганинг, завқланганинг, ўйнаб-кулганинг қолади, деб. Хотиротингизни ажиб воқеалар, саъй-ҳаракатлар бойитиши, савобли ишларга қўл уриш, кексайганда ҳаёлан ёшликка қайтиш яна бир бор энтикиб, ҳаяжонланиш, кўнглингиздаги эзгуликка эпкин ва эрк бераверади. Дунёда яхшилик қолади, дейишимизнинг боиси ҳам шундан. Тоғнинг гўзаллиги, таровати, хусни-латофати ҳақида кўпроқ тўхталаётганимиз бежиз эмас. Аёнки, табиатни севган, унга меҳр қўйган, асраб-авайлаган, ўз масканим, ўз уйим, деб билган инсон қалбида она юртига меҳр ҳисси жўш уради. Бу ҳис бевосита ватанпарварлик туйғуси билан йўғрилади. Зеро, инсоннинг кимлигини унинг ёшига қараб эмас, умр сарҳадлари ва мазмуни билан белгилаш мумкин бўлади.

Хулоса шуки, тоғ сайлидан сўнг бир умрлик ажиб ва нашъали хотиралар қалбингизда муҳрланиб қолади ва сизни ҳамиша эзгуликка, ҳаётнинг, ҳар дамнинг қадрига етишга, мудом эзгулик дардида яшашга, меҳрли, оқибатли, саховатли бўлишга ундайди.

Ғофур ЖЎРАЕВ.

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

АНГРЕН: ДАДИЛ ОДИМЛАР

3. Элим деб, шаҳрим деб...

Мустақиллик ҳар бир қалбда юрт ишига камарбасталикни, касбига ва ишига фидойиликни қарор топтирди. Акс ҳолда қурилишлардаги шиддатли суръатларни қандай изоҳлаш мумкин? Янгиланаётган жамият ватанпарварликнинг янги қирраларини намоён этаяпти.

Ангрен маиший хизмат касб-ҳунар коллежи янги биноси эл-юрт келажагини, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашни ўйлаб жонкуярлик кўрсатувчи замондошларимиз журъати ва жасоратига мафтункор гултож бўлиб қолади. Унинг қурилиш тарихини эшитган киши, албатта, шу фикрга келади.

Коллежнинг янги биносини қуриш бўйича ўтказилган тендерда «Ўзбекшахтақурилиш» акциядорлик жамияти ғолиб чиқди. Бинони 18 ойда битказиш мўлжалланган эди. Қурувчилар уни 12 ойда фойдаланишга топширишди. Уни шаҳарнинг ўз бинокорлари қуришди. Четдан бирор мутахассис, бирор уста жалб ўтиш кифоя. Бу ерда 47та ўқув хонаси замонавий жиҳозларга эга. Илмгоҳ олти йўналиш, 18 хил ихтисос бўйича ишчи кадрлар тайёрлайди. 50дан ортиқ малакали муҳандис-педагог 600 ўқувчига таълим-тарбия бераяпти. Жанубий Кореядан олинган 16 дона охирги моделдаги компьютер учта хонага ўрнатилмоқда.

Ўқиш жараёнида ўқувчилар информатика, газламашунослик, кийимларни лойиҳалаш, молиявий таҳлил, менежмент асослари, бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш сингари фанлар бўйича сабоқ олишади. Автоматика асослари, саноат электроникаси, меҳнат муҳофазаси, тадбиркорлик асослари каби 13 йўналиш бўйича касбий тайёргарликдан ўтишади.

Педагогика жамоасида ўқувчиларда Ватан туйғусини тарбиялашда аждодларимизнинг бой маънавий-маданий меросидан, халқимизнинг азалий қадриятларидан ўринли фойдаланишга интилиш кучайяпти. Меҳнат фахрийлари, маҳалла оқсоқоллари, отаоналар иштирокида ўтадиган «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги» туркум суҳбатлари жонли, таъсирчан тус олаётир. «Сиз қонунни биласизми?» мавзуидаги давра суҳбатлари, «Ўсмир ва қонун» ҳафталиклари ёшларда ҳуқуқий билимдонликни ошираяпти.

Йигит-қизлар жисмоний бақувват бўлиб ўсишлари учун етарли моддий база мавжуд. Спорт мажмуида тренажёр хоналари, 8 тур бўйича машғулотлар ўтказишга мўлжалланган заллар мукаммал жиҳозланган. «Ўзбекшахтақурилиш» бинокорлари шу ёзда футбол майдони билан тўртта очиқ теннис кордини барпо этиб топширишмоқчи.

Ўзларини мустақил она-Ватанимиз хизматига тайёрлаётган ёшлар вилоят педагогика институти, унинг қошидаги педагогик лицей, учта техникум, академик лицей, 40дан ортиқ мактабда билимларни эгаллашаяпти. Ёлғиз педагогика институтида 2100дан ортиқ талаба таҳсил олмоқда.

Ангренликлар:

– Биз томонларнинг ҳавосига бир тўйиб, бир пиёла сувини ичган киши борки, шаҳримизга бир умр боғланиб қолади, – дейишади.

Бу фикрда ўз шаҳри билан фахрланиш, унинг анъаналарига садоқат баралла сезилади. Бу гап шунчаки муболаға эмаслигига, унинг замирида чуқур бир ҳақиқат борлигига шаҳар марказий шифохонасидаги суҳбат чоғида ишонч ҳосил қилдик.

Ёш шифокор Маҳмуда Ғаниева интернатурани ўташ учун келганида шу шаҳарда туп қўйиб, палак отиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Қандай бўлмасин, бир йилни ўтказаману Тошкентга қайтаман, деб ўйлаганди.

Лекин тақдир уни Ангренга умрбод боғлаб қўйди. Олтин конида ишловчи ёш муҳандис Абдуваққосга кўнгил қўйиб, шахтёр Абдураззоқ Ғаниев хонадонига келин бўлиб тушди. Бугун фарзандлари Шаҳбоз билан Шуҳрат ўсиб, вояга етишаяпти.

– Биз аҳолига тиббий хизматни такомиллаштириш, унинг самарадорлигини кўтаришга қаратилган ислоҳотлар дастурини амалга оширмоқдамиз, – ҳикоя қилади Ғаниева. – Янгиободда умумий врачлик поликлиникаси очилди. Ўттиз ўринли тез тиббий ёрдам маркази ишга тушди. Шаҳримиз Буюк ипак йўли устида эмасми, биз йўловчиларга ҳам тиббий ёрдам кўрсатамиз. Шу боис шошилинч хирургик ёрдам бўлими кеча-кундуз ишлайди.

«Оналар ва болалар» йилида турли касалликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор тадбирлар белгиланди. Болалар ва ўсмирларда учрайдиган айрим касалликларни барвақт аниқлаб, даволаш учун алоҳида ташхис маркази ташкил этдик...

Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Маблағ етишмаслиги туфайли биноларни таъмирлаш, шифохоналарни янги, замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш пайсалга солинаяпти.

Бироқ, излаган имкон топаркан. Ташаббускор, изланувчан шифокорлар хусусий поликлиникалар очиш, якка тартибда тиббий хизмат амалиёти билан шуғулланиш тараддудига тушиб қолишди. Бугун шаҳарда хўжалик ҳисобидаги поликлиника, хусусий тиш даволаш поликлиникаси иш олиб бормоқда. Айрим шифохоналар йирик корхоналарнинг меҳнат жамоаларига шартнома асосида тиббий хизмат кўрсатишаяпти.



СУРАТЛАРДА: *1. Маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг янги биноси; коллеж компьютер хонасида ўқувчилардан Барно Жумабоева билан Алишер Тошматов машғулот ўтказишмоқда. 2. Марказий шаҳар шифохонаси врачлари Ҳикматилла Нуъмонов, Фарҳод Холиқов ва ҳамшира Фарида Қосимхонова беморга ёрдам кўрсатишмоқда.*

10 АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

АНГРЕН: ДАДИЛ ОДИМЛАР

4. Юлдузлар жилоси.

Оқшомлари шаҳар алоҳида бир файз касб этади. Ўқиш ва ишдаи кейин ёшу қари маданият ва спорт саройларига ошиқади. Хонанда ва раққосаларнинг ҳисобот концертлари, рингда боксчиларнинг мусобақалари, қўғирчоқ театрининг спектакллари... Шаҳар мароқли томошалар кўрсатиб, уларни томоша қилиб яшайди.

— Бу бокс саройимиз, — деди шаҳар ҳокимининг ўринбосари Фарҳод Исмоилов катта-катта ойналари порлаб турган бино ёнида машинадан тушаётганимизда.

Кенг залда турли ёшдаги боксчилар машқ қилишмоқда. Тўрдаги рингда эса икки йигит олишяпти. Бокс мактабининг раҳбари Баҳтиёр Эсонбоев билан бош мураббий Александр Цой бу ерда 250 ҳаваскор ўз севимли спорт тури бўйича малака ҳосил қилиб, чиниқиши учун барча шароитларни яратишган. Саккиз гуруҳда 10-11 ёшдан 27 ёшгача бўлган спортчилар шуғулланишяпти. Машқларни Ермолай Цой, Фарҳод Абдуллаев, Абдубосит Аҳмедов, Бекжон Юсупов каби моҳир тренерлар олиб боришади.

Ангрен бокс мактабининг тарбияланувчилари Қорақалпоғистонда ўтган минтақавий мусобақада, Ўзбекистон биринчилигида, Ўктам Турдиалиев ва Майнштейн хотира совғини учун беллашувларда, «Қишги таътил — 2001» ўйинларида муваффақиятли қатнашишди. Бишкекда ўтган халқаро мусобақаларда Анвар Қозоқбоев, Музаффар Султонов, Ўзбекистон ёшлар чемпионатида Рамшид Ашуровлар ғолиб чиқиб, ҳурмат шохсупасига кўтарилишди. Жамол Аҳмедов билан Алишер Ғаниев Нукусдан ўз вазн тоифалари бўйича чемпионлик унвони билан қайтишди. Тошкентда ўтган «Қишги таътил — 2001» ўйинларида Баҳром Эсонбоев финалга чиқиб, чимкентлик рақиби устидан ғалаба қозонди.

Ангренда спортни севишади. Шу боис жисмоний чиниқиш, спорт-маҳоратини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамиша шаҳар ҳокимлиги, спорт идоралари, корхона ва ташкилот раҳбарларининг эътиборида. «Кимёгар», «Қизил тоғ», «Дукент» ўйингоҳлари ёзу қиш гавжум. Бокс саройи ва учта спорт мактабида талабгорлар бисёр. Минглаб спортчилар енгил атлетика, миллий кураш, таэквондо, футбол, воллейбол, стол тенниси, бокс билан шуғулланаяпти. «Семурғ» жамоаси Ангреннинг футбол шаънини Республика мусобақаларида ҳимоя қилмоқда.

Лекин фақат шугина эмас. Ҳар соҳанинг ўз жонкуярлари, фидойилари бўлади. Оқилхон Эшончаев билан суҳбатлашсангиз, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, маданият масканларида, билим юртларида олиб борилаётган оммавий-маданий ишлар хусусида шунчалик мароқланиб гапирадики, гўё Ангренда ҳар бир йигит-қиз қўшиқчию раққоса деб ўйлайсиз. Унинг жўшиб, фахрланиб гапиришича бор — Ангренда санъат турларини ҳам севишади.

— Биз барча ишларимизни бозор иқтисодиёти муносабатларига мутаносиб ривожлантиришга интилаяпмиз, — ҳикоя қилади шаҳар ҳокимлиги маданият ишлари бўлимининг мудири Оқилхон Эшончаев. — Ҳаваскор ижрочиларининг пулли концертларини ташкил этаяпмиз. Пиониночилар ва рубобчилар учун курслар очдик. Мусиқа санъатининг мафтункор дунёсига ошуфта кишилар сероб. Ўтган йили 2 миллион 600 минг сўмлик пулли хизмат кўрсатдик. Январь ойида 430 минг сўм ишлаб топдик. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳар ойда концерт беради. Шу маблағлар ҳисобидан маданият масканларини таъмирлаяпмиз, кийим-кечаклар олиб, чолғу асбобларини янгилаяпмиз.

«Халқ рақс дастаси» унвонига сазовор бўлди. «Шанс»нинг жозибали ўйинларини умумхалқ байрамлари, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларда ўтаётган оммавий тантаналарда минг-минглаб томошабинлар олқишлашмоқда. Дастанинг бадиий раҳбари Рустем Рамазон янги-янги ёш талантларни кашф этишдан асло чарчамайди. Концерт дастурлари Марказий Осиё ва Европа халқлари, ҳинд, япон, корейс халқ рақсларини ўз ичига олган.

Алишер Навоий номли маданият маркази вокалчилар гуруҳида ҳам навқирон талантлар камолга етмоқда. Ёш хонандалар Азиза Абдуллаева, Кимёхон Қосимхонова, Муборак Абдураҳмоновалар нинг мустақил Ўзбекистонни, озод ва обод Ватанни, халқимизнинг бунёдкорлик иштиёқини мадҳ этувчи қўшиқлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

... Миллий истиқлол Ангренга ана шундай алоҳида бир жўшқинлик, ўзбекона файз-тароват бағишламоқда. Мустақил Ватанимизнинг йирик саноат марказларидан бири бўлган бу шаҳар ўз салоҳиятини тобора тўлароқ намоён этишга интилаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. «Шанс» халқ шоу-балет дастасининг раққосалари ҳиром этишганда томошабинлар мафтун бўлиб қолишади. 2. Ангрен бокс мактаби тарбияланувчилари Баҳтиёр Жўраев (чапда) билан Ойбек Абдуллаевлар машқ қилишмоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Камолиддин АСҚАРОВ, Даврон АҲМЕДОВ (сурат), «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Ибратнома

ТАРБИЯГА МУҲТОЖ ГЎЗАЛ

Ҳаётда эр хотиннинг, хотин эрнинг кўзгуси дейишади. Буни қуйидаги нақлдан ҳам билсак бўлади.

Бир вақтлар янги уйланган йигитдан амакиси сўрабди:

– Ўғлим, жуфтиҳалолинг қандай экан?

– Амаки, – мақтанибди йигит, – хотиним шундай назокатлики, сизга қандай таъриф этишни билмайман.

— Кўп мақтанма, ўғлим, – дебди амакиси кулиб. – Бугун оқшомда бизнинг меҳмонимиз бўлинглар.

Йигит амакисининг таклифини рад этмабди. Кекса амаки умр йўлдошига «Уйимизга меҳмон келди. Тарвузнинг энг яхшисини олиб кел», – дебди. Кампир тарвуз келтирибди. Амакиси уни бир-икки айлантириб кўриб: «Бўлмайди, бу яхши чиқмайди, бошқасини олиб келақол», – дебди. Шундай қилиб кекса уй бекаси ўн марта тарвуз келтирибди. У ҳар сафар эри: «Бошқасини олиб кел», деганида «хўп бўлади», дер экан. Бирор марта норози бўлмабди, гап қайтармабди. Ҳайрлашар чоғида йигит:

– Энди бизнинг уйга ҳам қадам ранжида қилиб, дилимизни хурсанд қилинг, – дебди.

Эртаси куни ошқомда амаки йигитнинг уйига кириб келибди. Йигит ҳам ўзини кўрсатмоқчи бўлиб, ёш хотинига тарвуз олиб келишни буюрибди. Хотини олиб келибди. Йигит тарвузни салмоқлаб кўриб, бош чайқабди:

– Бу бўлмайди, бошқасини олиб кел.

Ёш хотин бошқа тарвузни олиб келибди. Йигит «бўлмайди», дебди. Хотини учинчи тарвузни олиб келибди, эр яна бўлмайди, деган экан, келинчак бобиллабди:

– Мен сизнинг югурдагингизманми, «олиб кел, олиб бор» деяверасиз. Сиз ақлли бўлганингизда, яхши тарвуз олардингиз. Бошқа тарвуз йўқ, фақат учта тарвуз олиб келгансиз, – деб хонани тарк этибди.

– Болагинам, – дебди амаки, – уйимда бир дона тарвуз бор эди. Яхши феъли хотиним ўша тарвузни ўн марта олиб келганди. Лекин бирор марта итоатсизлик қилмади, гап қайтармади. Хотининг гўзалу, тарбияга муҳтож экан.

Шу-шу йигит кўча-кўйда худа-беҳудага мақтанмайдиган бўлибди.

Арофат РАЗЗОҚОВА тайёрлади.

Бекажон

БУНИ ҲАММА БИЛГАНИ ЯХШИ

◆ Агар оилада ёш бола бўлса, албатта, йод ва кўкдори ишлатилади. Кўл гоҳ шилинганда, гоҳ ёрилганда, уларнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Унинг қопқоғини оча туриб, қўлингизга бир неча марта йод ёки кўкдори теккизасиз. Лекин, ювиб ташлолмайсиз. Бунинг олдини олиш учун дори шишачасининг ички қопқоғига кичкина михчани тиқиб, тешикча очинг. Зарур бўлганда худди ўша ёридан керакли миқдорда томизиб олаверасиз. Қўлингиз ҳам доғ бўлмайди, дори ҳам айнимайди.

◆ Меҳмонга борганингизда, ҳамма гуллар қатори кўзингизга кактус гўзал кўриниб кетади. Беихтиёр силаш учун унга қўл урдингиз. Шунда унинг тиканлари терингиз орасига кириб қолиб, сизга анчагача озор беради. Бунда сиз ёниб турган шамга кактус тикани кирган жойни тутинг. Қичишган заҳоти йўқ бўлиб, ором оласиз.

◆ Нозик ойнадан ишланган идиш ёки стаканни тушириб юбордингиз. У синди. Ёдингида бўлсин майда бўлакларни, зарраларни асло қўлингиз билан териб олманг. Юмшоқ мебелга тушган бўлса уни кичкина супургича билан супуриб олган яхшироқ. Акс ҳолда қўлингизни кесиб олишингиз ҳеч гап эмас.

Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА тайёрлади.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

Стол тенниси

БАЛЛИ, ЎСМИРЛАР!

САМАРҚАНД шаҳрида 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида спортнинг стол тенниси бўйича ўтказилган Ўзбекистон Республикаси биринчилиги мусобақалари вилоятимиз терма жамоасининг ғалабаси билан якунланди.

УШБУ чемпионатда умидли ўсмирларимиз маҳорат жиҳатидан барча рақибларидан устун эканликларини намойиш этдилар. Вилоятимиз вакиллари ҳам умумжамоа, ҳам шахсий мусобақаларда муваффақиятли қатнашдилар, ўсмирларимиз умумжамоа ҳисобида чемпионат ғолиби бўлишди.

Юқоричирчиқлик Александр Дирай шахсий биринчилик мусобақаларида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, терма жамоамиз ғалабасига салмоқли ҳисса қўшди.

Муай-тай

ИККОВЛОН ПАРКЕНТДАН

Тошкентдаги «ЖАР» спорт мажмуида курашнинг муай-тай тури бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. ПАРКЕНТ – полвонлар юрти, деб бежиз айтилмайди.

РЕСПУБЛИКА ва халқаро кураш мусобақаларида вилоятимиз шаънини улуғлаётган полвонларнинг кўпчилиги Паркентдан. Бу сафарги республика чемпионатида ҳам туман полвонлари ана шу анъанага содиқ қолдилар.

Аввалига Хуршид Эшонхўжаев 45 килограммли вазнлилар беллашувида фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медални қўлга киритган бўлса, унинг ҳамюрти Шерзод Нуъмонов ҳам 57 килограммли полвонлар баҳсида айнан шундай натижага эришиб, вилоятимизнинг умумжамоа ҳисобига иккинчи кумуш медални қўшди.

ҲАЙВОНОТ БОҒИДА

Филнинг катаги олдида сайрбон ҳикоя қилаяпти:

— Фил жуда ҳам кучли жонивор, ақлли. У йигирма кишининг ишини бир ўзи бажараверади.

Оломон орасидан бир киши луқма ташлади:

— Сиз шуни ақлдан деб ўйлаяпсизми?

ИЛОЖ ҚАНЧА

Одам Ато билан Момо Ҳаво жаннат боғида сайр қилиб юришган экан. Момо Ҳаво сўрабдилар:

— Сиз мени севасизми?

— Бошқа нима қилай?.. — лоқайдгина жавоб берибди Одам Ато.

АЛДАМА

Истироҳат боғида эрхотин сайр қилаяпти. Бирдан уларнинг кўзи ўриндиқда вино ичиб ўтирган кишига тушиб қолибди.

— Вой, шўрим, — дебди хотини. — Бу менинг собиқ эрим-ку! Ундан ажраганимга беш йил бўлди, ҳалиям ичаяпти-я.

— Алдама, — дебди эри, — бунақа узоқ байрам қилиш мумкин эмас.

Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 15-18 февраль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг охирига бориб ёмғир ёғиб, қорга айланиши мумкин.

Ҳарорат кечалари 0-5 даража илиқликдан 4 даража совуқ, 1 даража илиқ атрофида, кундуз кунлари 10-15 даражадан 4-9 даражагача илиқ бўлиши кутилади.

Ўзингизни синанг

ШАРҚНИНГ МУМТОЗ ШОИРИНИ БИЛАСИЗМИ?

ЭНИГА: 5. Оммавий ахборот воситаси. 6. Россия футбол командаси.10. Ҳафта куни. 11. Кўрилган даромаддан давлат ҳисобига тўланадиган маблағ. 12. Ўсимликнинг баргига яшил тус берувчи модда. 15. «Адолат манзили» романи муаллифи. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 18. Европадаги шаҳар. 19. Кислота, келиб чиқиши биологик бўлган юқори молекулали полимер. 20. Алишер Навоий ғазали билан ижро этиладиган мумтоз ашула. 21. Бокс мусобақасидаги ҳолат. 25. Машҳур Озарбайжон мумтоз шоири. 26. Саудия Арабистонидаги муқаддас шаҳар. 27. Заргарликда ишлатиладиган оч яшил тусли қимматбаҳо тош. 31. Педагогиканинг таълим ва унинг услублари ҳақидаги бўлими. 33. Паст товушдаги овоз. 34. Тут мевасидан тайёрланган ширинлик. 35. Жанубий Америкадаги давлат. 36. Ливия пойтахти.

БЎЙИГА: 1. Сув иншоати, кўтарма тўсиқ. 2. Ўзбекистон футбол терма жамоаси дарвозабони. 3. Ўтмишда насл-насаб жиҳатдан бир хил бўлган кишилар гуруҳи. 4. Атоқли ҳинд адиби. 7. Ҳинд кино усталари яратган фильм. 8. Кишилар билан муносабат, сўзлашув йўсини. 9. Қадимги юнон риёзиёт олими. 13. Тригонометрик функция. 14. Чирмашиб ўсувчи гул тури. 16. Ўзбекистон жанубидаги кончилар шаҳри. 17. Ўрта Ер денгизидаги оролда жойлашган мамлакат пойтахти. 22. Шаҳар транспорт тури. 23. Саноат ва қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган, таркибида кремний кислотасининг тузлари бўлган маъдан. 24. Оч қулранг, қийин эриёдиган қаттиқ металл. 28. Аёллар ўртасида шоҳмот бўйича жаҳон чемпионларидан бири. 29. Асосан ҳамдўстлик давлатларининг ғарбий-жанубидаги республикада яшовчи миллат. 30. Соғлиқни мустаҳкамлашга қаратилган машқлар мажмуи. 32. Ипак қурти ҳосили.



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Чирчиқ, Паркент ўрмон хўжаликлари ҳамда Акча ов хўжалиги тугатилиши муносабати билан барча даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

Манзиллар:

Чирчиқ ўрмон хўжалиги: Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Э. Асанов кўчаси, 75-уй. Телефон: 21-514. ОКПО 00995738.

Паркент ўрмон хўжалиги: Паркент тумани. Телефон: 22-448, ОКПО 2004769.

Акча ов хўжалиги: Оҳангарон тумани, Акча қишлоғи. Телефон: 22-877, ОКПО 17724943.

Шайхонтоҳур туманидаги «YUNUS OTA» хусусий фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Оққўрғон туман ҳокимлиги жамоаси туман ҳокими Абдуғани Деҳқонбоевга волидаи муҳтарамаси **Махсуда ая ТУРСУНОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 8 рақам билан рўйхатга олинган

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-2004. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун — 205, ташкилотлар учун — 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.35. 1 2 3 4 5 6